
“Юрт мададкорларига яқиндан кўмакчи бўлишимиз лозим” –
Ўзбекистон тумани ҳокими Қахрамонжон Джураев
“Яйпан мрамар” МЧЖ Ўзбекистон туманининг “Қўрғонча” маҳалла фуқаролар
йиғинида жойлашган.

Корхонада қурилиш маҳсулотларидан девор қопламаси (сокол), йўлка тош
(брусчатка)ларидан ташқари бетон лоток ва қувурлар ишлаб чиқарилади.



- Россия давлати технологиялари билан жиҳозланган корхонамизда 12 нафар
тумандошларимизни иш билан банд этганмиз. Шукр, маҳсулотларимиз
харидоргир. Кунига ўртача 300-400 кв.м. брусчаткаларга буюртма олсак, бетон
лотокларимизни қўшни Бешариқ ва Фурқат туманларига ҳам олиб кетишди,^{1/5}
дейди корхона раҳбари Алижон Маматов.

Корхона фаолияти билан танишган 1-сектор раҳбари, туман ҳокими Қахрамонжон Джураев тадбиркорнинг келгусидаги режалари билан танишиб, уни қийнаётган муаммолар ҳақида қизиқди.

Корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида тадбиркорга “Кичик тағоб” кичик саноат зонасидан жой ажратиш таклифи сектор раҳбари томонидан берилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати









2020-10-13 11:14:49